



BUSINESS ZONE  
Consulting Center

O'zbekiston  
Internet tadbirkorlari  
va elektron savdo assotsiatsiyasi



LOYIHA.COM  
BUSINESS ZONE CONSULTING CENTER

+134:23:454:12

# “ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ УЙҒУНЛИГИ”

№ 1  
НОЯБР

ТОШКЕНТ 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР  
АКАДЕМИЯСИ ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ  
“BZONE CONSULTING CENTER” МЧЖ ҲАМДА  
ЎЗБЕКИСТОН ИНТЕРНЕТ ТАДБИРКОРЛАР ВА  
ЭЛЕКТРОН САВДО АССОЦИАЦИЯСИ  
ТАШАББУСЛАРИ БИЛАН

**“ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА  
ФАН, ТАЪЛИМ ВА ИННОВАЦИЯ  
УЙҒУНЛИГИ”**

**мавзусидаги**

**Республика 1 – кўп тармоқли илмий масофавий онлайн  
конференцияси**

**МАТЕРИАЛЛАРИ**

---

**“НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ В ОБНОВЛЕНИИ УЗБЕКИСТАНА  
И СОВМЕСТИМОСТЬ ИННОВАЦИЙ”  
РЕСПУБЛИКА 1 – НЕСКОЛЬКО НАУЧНЫХ РАССТОЯНИЙ  
МАТЕРИАЛЫ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ**

---

**“SCIENCE, EDUCATION IN RENEWING UZBEKISTAN  
AND COMPATIBILITY OF INNOVATION”  
REPUBLIC 1 – MULTIPLE SCIENTIFIC DISTANCE  
MATERIALS OF ONLINE CONFERENCE**

**ТОШКЕНТ 2020**

Удк. 001.895(575.1)

Ббк. 72(5У)

Я 61

“Янгиланаётган Ўзбекистонда фан, таълим ва инновация уйғунлиги” [ТОШКЕНТ 2020]  
“Янгиланаётган Ўзбекистонда фан, таълим ва инновация уйғунлиги” мавзусидаги республика 1 – кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференцияси материаллари тўплами, 5 ноябр, Тошкент 2020. 521-б.

**Ушбу Республика 1- кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференцияси**

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа – илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлис аъзоларига аънанавий мурожаатномасида мамлакатимизда илм-фанни янада раванқ топтириш, ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш, рақобатбардош иқтисодий шакллантириш борасида бошлаган ишларимизни жадал давом эттириш ва янги, замонавий босқичга кўтариш борасидаги вазифалардан келиб чиқиб Тўпламга Республика Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида илмий изланишлар олиб бораётган ёш тадқиқотчилар, докторант, педагоглар, мактаб ўқитувчилари, магистрант ва талабаларнинг мақола ва тезислари киритилган.

**Масъул муҳаррирлар:**

1. Исанова Гулбаҳор Тахировна – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистонда демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчи, фалсафа доктори (PhD)
2. Х.У.Тўхтаев. Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси ҳузуридаги “Ёшлар парламенти” аъзоси.

**Тахририят аъзолари:**

1. **Рақамли иқтисодий:** янгиланаётган Ўзбекистонни IT платформалари, янги технологиялар ва бизнес моделлари орқали ривожлантириш йўллари; (Бабаджабов Содиқжон Шавкат ўғли – Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги Инновация ва рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ходими, магистр, академик)
2. **Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши;** (Исанова Гулбаҳор Тахировна – Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети “Ўзбекистонда демократик давлат қуриш назарияси ва амалиёти” кафедраси катта ўқитувчи, фалсафа доктори (PhD))

## ЛАЧАК КИЙДИ” МАРОСИМИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ КЎРИНИШИ

*НАФИДДИНОВА ХОСИЯТ*  
*Бухоро Давлат Университети*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухоро воҳаси Қоракўл ва Олот туманларида “Лачак кийди” маросими этнологик таҳлил этилади. Шунингдек, маросимни ташкил этиш тартиби, ўзига хослиги, аҳоли ижтимоий ҳаётидаги аҳамияти хусусида фикр юритилади.

**Таянч сўзлар:** лачак, култапўшак, “салла кўндирди”, кўрмана.

Жамиятни энг муҳим ҳужайраси ҳисобланган оила никоҳдан бошланади. Оила қанча соғлом, тўқ ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча соғлом, тинч ва фаровон ривожланади. Шунинг учун никоҳ ибтидоий жамият давридан бошлаб махсус урф-одат орқали оиланинг бардам ва мустаҳкам бўлишига қаратилган жамоатчилик томонидан нишонланиб, даставвал одат, кейинчалик ёзма тарзда қонунлаштирилган маросимдир. Никоҳ ўзида умуминсоний қадриятларни мужассамлаштиргани учун ҳам ҳаётимизнинг зарур қонун қоидалари ўз ифодасини топган.

Никоҳ маросими Ўзбекистоннинг айрим вилоятларида ўзига хос хусусиятларга эга бўлсада, умумий совчиликдан бошланади. Ҳар иккала томон бир-бири билан келишса тўй маросими бошланади. Никоҳ маросими ҳамиша шод-хуррамлик, гўзаллик, эзгу умидлар рамзи сифатида ўтказилади. Ғоят гўзал бўлган бу маросим халқ санъати, ашула, рақс билан нишонланади. Маросим асрлар оша синовдан ўтган, моҳиятан чуқур ўйланган, миллий асосда нишонланадиган бўлса-да, ҳар бир даврда такомиллашиб, бойиб борган. Ҳатто ҳар бир қишлоқ ва туманларда яшовчи этник гуруҳлар турмушида ушбу тамойиллашув кўзга ташланади [1.89]. Бугунги кунда Бухоро воҳаси оилаларида ўзига хос этник хусусиятларига эга турли урф-одат ва маросимлар сақланиб

келинмоқда. Худди шундай маросимлардан бири бу никоҳ тўйининг узвий давоми “Лачак кийди” маросимидир. Бу маросим воҳанинг Қорақўл ва Олот туманлари аҳолиси ўртасида ўтказилади. “Лачак кийди” маросими Бухоро воҳасида “Саллабандон” маросими номи билан маълум.

Саллабандон - бу келинчакнинг том маънода ҳақиқий аёллар сафига кирганини англатувчи маросимдир. Ушбу маросим Бухоро воҳасининг турли туман ва қишлоқларида ўзига хос тарзда нишонланади. Жумладан, Қорақўл ва Олот туманларида бу маросимнинг ўзига хослиги кўзга ташланади. Маросимнинг номланиши Бухоро шаҳридан фарқли равишда “Саллабандон” эмас, “Лачак кийди” деб номланган[2]. Туман хотин-қизлари орасида маросим “Салла қўндириш” атамаси билан ҳам юритилади. Салла бошга кийдирилади, шунга мувофиқ ушбу атама келиб чиққан.

Маросимни ўтказишдан мақсад ёш келинчак ёки аёлни исломда мусулмон аёллар онаси деб тан олинган Фотима онанинг сафига қўшишдир. Лачак кийдирилган келинчакгина ҳақиқий том маънода қизликни тарк этиб, аёллар сафига киради. Маросим Қорақўл ва Олот қишлоқларида у келинчакнинг никоҳ тўйидан бир ҳафта ўтиб, “Жой йиғди” маросими билан бир вақтда ўтказилади. Келинчак учун махсус маросим сарпоси зарур бўлмаган. Демак, маросим учун алоҳида сарпо тайёрланмаган. Бу жараёнда асосий эътибор эса бош кийимга қаратилади. Маросим келинчакнинг дўпписини онаси ечиб ўзи кийиб олиши билан бошланади. Куёвнинг онаси келин дўпписи учун кўрманани бергандан кейин у маросим сўнгида келинчакка қайтарилади. Баъзи ҳудудларда эса кўрманани куёвнинг ўзи беради. Шундан сўнг икки ёши улуғ, ували-жували, бахтли бири куёв, бири эса келин томондан момолар келинчакка дастлаб култапўшак кийдиришади. Унинг асосий вазифаси сочни йиғиб олишдир. Сўнгра келинчак иягига гулли рўмол лачак сифатида боғланади. Унинг устидан эса бўйи 4 метр, эни 60 сантиметр докани келинчакнинг бошига салла тарзида

ўрайдилар. Ундан кейин эса бошга рўмол ташланади. Биринчи рўмол кичикрок, иккинчиси эса катта бўлиб, келинчак юзини бекитиб туради. Рўмоллар қизил рангда ва гулдор бўлади. Қизил ранг шод-хуррамлик, хурсандчилик рамзи ҳисобланади. Келинчакка доим бахт, гўзаллик, қувонч ҳамроҳ бўлиши учун ҳам шундай рангдаги ва шаклдаги рўмол танланади. Маросим дастурхонига махсус таом танланмаган. Оиланинг иқтисодиётига қараб, палов, кабоб ёки шўрва ва турли ширинликлар дастурхонга тортилади. Маросимнинг барча харажатлари Бухоро воҳаси бошқа туманларидан фарқли равишда тўлиқ қуёв хонадони зиммасида бўлади. Қариндош-уруғлар маросимда лачак кийдирилган келинчакка турли-туман матоларни совға қилиб, бахт тилашади. Этнограф М.Қурбонованинг таҳлилига кўра, ушбу маросим келинчакнинг фарзандли бўлиши қутилмай, никоҳ тўйи якуний компонентларидан саналган “жой йиғди” маросимида воҳанинг Олот ва Қорақўл туманларида ўтказилган [3,264].

Бухоро воҳаси туманларида ташкил этилган ушбу маросим ўзига хос этнолокал хусусиятлари билан фарқ қилса-да, унинг тарихий келиб чиқиш илдизлари бир хил. “Лачак кийди” жараёнида келинчакнинг мураккаб, ўзига хос бош ўровининг қадрият сифатида сақланиши маросимнинг миллийлиги ва халқчиллигидан дарак беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Исо Жабборов. Ўзбеклар: турмуш тарзи ва маданияти.– Т.: “Ўқитувчи”, 2003. – Б. 88-89.
2. Дала маълумотлари. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Қозон қишлоғи. 2020 йил, сентябр.
3. Қурбонова М. Саллабандон маросимининг тарихий-этнологик таҳлили хусусида. Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари. Т.: “Адабиёт учқунлари”, 2017. – Б. 264.

#### IV БЎЛИМ. ТАРИХ САҲИФАЛАРИДАГИ ИЗЛАНИШЛАР

<b>16. ҲОТАМОВА СЕВАРА</b> БУХОРО ЭРОНИЙЛАРИ ТУРМУШИДА НАВРЎЗ УДУМЛАРИ .....	60
<b>17. ISOKOVA KUMUSH</b> BUXORO AMIRLIGINING HARBIY SALOHİYATI .....	64
<b>18. MUSTAFOQULOV AKRAM</b> JANUBIY TURKISTON UCHUN BUXORO-AFG‘ON KURASHI .....	68
<b>19. NO‘MONOVA SURAYYO</b> QO‘QON XONLIGI TARIXSHUNOSLIGI .....	72
<b>20. O‘ZBEKOVA ZEBINISO</b> O‘ZBEK TILIDA LOTIN YOZUVINING JORIY QILINISH TARIXI .....	77
<b>21. YULDASHEVA XURSHIDA</b> TARIXNING JONSIZ GUVOHLARI .....	82
<b>22. МУҲАММАДОВ ЗОҲИД, ХОЛБОЕВ БАХТИЁР</b> КЕШ - ЎРТА АСР ТАРИХИЙ МАНБАЛАРИДА .....	86
<b>23. SAMADOVA MADINABONU</b> “TARIXI FARG‘ONA” ASARINING QO‘QON XONLIGI TARIXINI O‘RGANISHDAGI AHAMIYATI .....	92
<b>24. ХУСАНОВА ГУЛНОЗ</b> ҚАДИМ ВА НАВҚИРОН САМАРҚАНД ТОПОНИМИКАСИ .....	97
<b>25. BO‘RONOV JAVOHIR, MAMIROV HOMIDXON, MANSABOVA HAFIZA</b> <b>O‘RTA OSIYODA ROSSIYA IMPERIYASINI BOSQINCHILIK</b> <b>MEDALLARI.....</b>	<b>101</b>
<b>26. MURTAZOYEVA JAMILA</b> EFTALLAR DAVLATI TARIXIDAN .....	106
<b>27. YUSUPOVA NASIBA</b> MIRZO ULUG‘BEKNING HARBIY YURISHLARI (1409-1427 YILLAR).....	111
<b>28. АДАМОВА ДИЛНОЗА</b> ХОРАЗМШОҲЛАР ДАВЛАТИГА ОИД ХОРИЖИЙ ТАДҚИҚОТЛАР .....	114
<b>29. БУРИЕВА ОЗОДА</b> ҚАРШИДА ХУНАРМАНДЧИЛИК ТАРАҚҚИЁТИ ТАРИХИДАН .....	119
<b>30. ҚЎЧҚАРОВ САРДОР</b> СЎҒДЛИКЛАРНИНГ ХИТОЙДАГИ ФАОЛИЯТИ .....	123
<b>31. НАФИДДИНОВА ХОСИЯТ</b> “ЛАЧАК КИЙДИ” МАРОСИМИНИНГ ЭТНОЛОКАЛ КЎРИНИШИ .....	129
<b>32. ОРЗИЕВА КАМОЛА</b> МАҲР ВА ҚАЛИН НИКОҲ МАРОСИМИ КОМПОНЕНТИ СИФАТИДА (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА).....	132
<b>33. КАДИРОВ АБДУЛАЗИЗ</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ .....	136
<b>34. O‘SAROVA NARGIZA</b> TARIXIY BUYUK ALLOMALARIMIZNI XAYOTI VA IJODINI O‘QUVCHILARGA QULAY VA OSON USULDA O‘RGATISH .....	143
<b>35. YORQINJONAVA DILAFRUZ</b>	